



# NAVOIY VILOYATI NUROTA TUMANI HOKIMI QARORI

210700, Nurota t., Islom Karimov sh. k 48, tel: (79)523-13-42, nurota@nv.uz

2022 - yil 13 - aprel

57-5-74-Q/22

Nurota tumani hokimligi

## **Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун электрон онлайн-аукционга чиқариладиган ер майдонига мулк ҳуқуқини давлат рўйхатдан ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги 71-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан, тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун электрон онлайн-аукционга чиқариладиган ер майдони ваколатли ташкилотлар билан келишилганлиги ҳамда муҳокамадан ўтказилганлигини инобатга олиб,

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Нурота туман ҳудудида жойлашган жами 2.4412 гектар ер майдони иловага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги 71-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали бериш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари асосида “Yerelektron” АТТ дастури орқали ваколатли ташкилотлардан келишув ҳамда муҳокамадан ўтказилганлиги инобатга олинсин.

2. Давлат кадастрлар палатаси вилоят бошқармаси Нурота туман филиали (Э.Рўзимуродов) ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилиши ҳамда ер ҳисоботларига тегишли ўзгартириш киритилишини таъминласин.

3. Мазкур қарор ижросининг назорати Нурота тумани ҳокимининг ўринбосари Ш.Рустамов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



А.Файзиев

Nurota tuman hokimining  
2022 yil 13 apreldagi  
57-5-74-Q/22-son qaroriga  
1-ilova

**Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун электрон онлайн-аукционга  
чиқариладиган ер майдони рўйхати**

| <b>Т/Р</b>  | <b>Туман номи</b> | <b>Ер участкаси<br/>манзили</b> | <b>Майдони,<br/>(га)</b> | <b>Ер участкасининг<br/>“YERELEKTRON”<br/>ААТдаги уникал<br/>рақами</b> | <b>“YERELEKTRON”<br/>ААТдаги ваколатли<br/>органлар билан<br/>қелишилганлик<br/>ҳолати</b> |
|-------------|-------------------|---------------------------------|--------------------------|---|--|
| 1           | Нурота тумани     | Истиқбол МФЙ                    | 2.2546                   | P171223803140-2   | Қелишилган,<br>тасдиқланган  |
| 2           | Нурота тумани     | Қизилча МФЙ                     | 0.1761                   | P171223803136-1   | Қелишилган,<br>тасдиқланган  |
| 3           | Нурота тумани     | Чуя МФЙ                         | 0.0105                   | P171223803144-1   | Қелишилган,<br>тасдиқланган  |
| <b>Жами</b> |                   |                                 | <b>2.4412 га</b>         |   |  |